

**Жаҳонгир МЕЛИКУЗИЕВ**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий  
ўрганиш

UNESCO кафедраси таянч докторанти

E-mail: [jahongirmelikuziev1@gmail.com](mailto:jahongirmelikuziev1@gmail.com)

## ДИНИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

### НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ ПРОЦЕССА РЕЛИГИОЗНОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ И ЕГО СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

### SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF STUDYING THE PROCESS OF RELIGIOUS SOCIALIZATION AND ITS SOCIO- HISTORICAL ANALYSIS

**Аннотация.** Мақолада динишуносликнинг муҳим соҳаларидан бўлган дин социологияси фани доирасида “диний ижтимоийлашув жараёни” тушунчаси мазмунига бағишланган илмий-назарий қарашлар таснифланган, унинг таърифи ойдинлаштирилган ва ижтимоий-тарихий таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф томонидан юртимизда илмий изланишларнинг мустақил ёки яхлит тадқиқот объекти сифатида ҳали ўрганилмаган ушбу жараённи дин социологиясида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда ўрганиш имкониятларига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** дин институти, дин социологияси, ижтимоийлашув жараёни, диний ижтимоийлашув, ижтимоийлашув агентлари, диндорлик, диний таълим-тарбия, диний-маърифий соҳа, илмий методлар, диний қадрият ва меъёрлар

**Аннотация.** В статье классифицированы научно-теоретические взгляды на содержание понятия “процесс религиозной социализации” в рамках науки социологии религии, одним из важнейших направлений религиоведения, а также, уточняется его определение и социально-

исторический анализ. Автор статьи, кроме того, затронул возможности изучения этого процесса в социологии религии, как теоретически, так и практически, что еще не изучалось как самостоятельный или целостный объект научных исследований в нашей стране.

**Ключевые слова:** институт религии, социология религии, процесс социализации, религиозная социализация, агенты социализации, религиозность, религиозное образование и воспитание, религиозно-просветительская сфера, научные методы, религиозные ценности и нормы

**Annotation.** The article classifies the scientific-theoretical views on the content of the concept of Religious socialization process in the sphere of Sociology of Religion, which is one of the most important sphere of Religious studies and it clarifies its definition and socio-historical analysis. Also, the author touched upon the facilities of studying this process in Sociology of Religion, both theoretically and practically, which has not yet been studied as an independent or holistic object of scientific research in our country.

**Keywords:** Institute of religion, sociology of religion, socialization process, religious socialization, agents of socialization, religiosity, religious education and upbringing, religious and educational sphere, scientific methods, religious norms and values

## КИРИШ

Дин муайян эътикод асосидаги дунёқараш ва ақидалар, диний культ ва маросимлар, диний жамоа, ташкилот ёки муассаса каби тизимларни ўз ичига олган мураккаб ижтимоий ва маданий-тарихий институтдир. Шунинг учун ҳам, дин институти жамиятда дунёқарашни шакллантириш, ижтимоий алоқани боғлаш, бирлаштириш, назоратни амалга ошириш каби бошқа муҳим ижтимоий функцияларни бажариб келмоқда.

Дин институти ҳақида дин социологияси фанининг асосчилари – О.Конт, Э.Дюркгейм, М.Вебер каби мумтоз социологлар томонидан турли мазмундаги назариялар ишлаб чиқилди. Айрим назарияларда динда жамият учун ижобий хусусият борлиги эътироф қилинса, бошқаларида эса динга жамият учун хавф-хатар ва жиддий зарар мавжудлиги айтилди. Аммо, бундай қарама-қаршиликларга қарамай дин социологиясида диннинг ижтимоий ҳодиса борасидаги турли назариялар ривожланиши давом этди.

Мамлакатимизда дин социологияси фани ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган олим, социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) Б.А. Фарфиев фикрича, ижтимоий ҳаётнинг шаклланиши ва ривожланиши бевосита социал институтларнинг функцияларига боғлиқдир. Бунда барча институтлар ўзаро муносабатга киришлари табиий ҳодиса ҳисобланади. Натижада жамият яхлит тизим сифатида гавдаланади. Дин бошқа социал институтларга қараганда энг қўхна ҳисобланиб, у инсоният яратилганидан бери мавжуддир. Бирок, кишилик жамиятининг узоқ даврли тарихидан яхши маълумки, дин институтидан унумли фойдаланган жамиятлар ўз тараққиётларида юқори поғоналарга қўтарилишга эришганлар. Шунинг учун динни бошқа социал институтлар билан мустақкам алоқаси ижтимоий ҳаётнинг устувор вазифаси сифатида намоён бўлади [12:91-92].

### АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда ижтимоий институт сифатида диннинг ижтимоий жараёнларда, хусусан, ижтимоийлашувдаги ўрни, аҳамияти ва моҳиятини ижтимоий-тарихий таҳлил қилиш, диний ижтимоийлашувни ижтимоийлашув жараёнларининг таркибий элементи сифатида асослаш ва унинг генезисини очиб бериш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда республикамиз олимлари томонидан мазкур масалаларга бевосита ёки билвосита тааллуқли бўлган тадқиқотлар амалга оширилганини кўриш мумкин [4;5;6;7;12;13;15]. Бирок, мавжуд илмий адабиётлар, тадқиқотлар ва манбалар таҳлили “диний ижтимоийлашув” тушунчасининг мазмунига бағишланган қарашларни таснифлаш ва ушбу тушунчанинг таърифларини ойдинлаштириш зарурати мавжудлигини, умуман олганда эса, “диний ижтимоийлашув” жараёни илмий изланишнинг мустақил ёки яхлит тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганилмаганини кўрсатади.

Замонавий дин социологиясига оид хориж тадқиқотларда “диний ижтимоийлашув” тушунчасини таърифлаш, муаммони илмий-назарий ўрганиш ва таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд [14:205-212].

Эътиборли томони шундаки, ушбу масалага доир илмий назария ва концепцияларда қарама-

қарши бўлган илмий ҳулоса ва қарашлар тизими бир-бирини инкор этмасдан, аксинча, бири иккинчисини ўзаро тўлдириб борган.

Хориж тадқиқотларида диний ижтимоийлашув ҳодисаси кўпроқ дин психологияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Ушбу жараён ўрганилишида асосий урғу “диндорлик”, “диндорлик даражаси ёки меъёрлари”, “диний тажриба”, “диний ижтимоийлашув агентлари”, “диний ижтимоийлашув механизми” каби тушунчаларни аниқлаштиришга қаратилади. Бу борада Майкл Аргайл, Раймонд Палуотсян, Гордон Оллпорт, Бернард Спилка и Брюс Хансбергер ва бошқа ғарблик олимлар томонидан диний ижтимоийлашув жараёнини бевосита ўрганилганини таъкидлаш зарур.

Социология фани доирасида эса ушбу ҳодиса яхлит ижтимоийлашув жараёнларини ўрганиш контекстида алоҳида таркибий элемент сифатида кўриб чиқилган. Бирок, Дарен Шеркат, Раймонд Потвин, Майри Левитт ва бошқа олимлар бу масалага алоҳида эътибор қаратишиб, кўплаб изланишлар олиб боришган. Таъкидлаш зарурки, ғарблик психолог ва социолог олимларнинг диний ижтимоийлашув борасидаги тадқиқотлари кўп ҳолларда конкрет-амалий характер касб этиши ва ўзига хослиги билан ажралиб туради [14:206].

Рус тилидаги илмий адабиётларда диний ижтимоийлашув деярли ўрганилмаган ёки ўрганилмаётган жараён экани кўринади. Бу борада мавжуд илмий нашрлар ва лойиҳалар орасида фақат В.Г. Безрогов, Т.В. Складорова, Т.А. Фолиева, Е.В. Пруцкова каби муаллифлар ва бошқа олимларнинг кам сонли тадқиқотларини санаб ўтиш мумкин [1;2;3;8;9;11;14].

Диний ижтимоийлашув жараёнини тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганишда дастлаб ушбу ҳодисани ижтимоийлашув жараёнларининг таркибий элементи сифатида асослаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ижтимоийлашув, қисқа қилиб айтганда, соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, унинг норма ва қоидаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир [4:97].

Демак, инсон ҳаёти давомида жамиятда сиёсий, иқтисодий, касбий, маданий, диний

жабхаларда ижтимоийлашув жараёнларини бошдан кечирилади. Бу борада “диний ижтимоийлашув”нинг ҳам ижтимоийлашув турлари ичида алоҳида жараён сифатида ўрни мавжудлигини аниқлаб олиш зарур.

Умумий таърифга кўра, диний ижтимоийлашув – алоҳида шахснинг умрининг дастлабки давридан то охирига қадар жамиятдаги диний аҳком ва қадриятлар, диний амалиёт ва тажрибаларни ўзлаштириши, шунингдек, диний билим, тарбия ва ахлоқнинг авлоддан-авлодга ўтишини ифодаладиган мураккаб жараёндир.

“Диний ижтимоийлашув” тушунчаси “диний ре-ижтимоийлашув” (*янги шароитлар таъсирида инсонга тегишли дин билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган йўл-йўриқ, кўрсатмалар ва қадриятлар мазмунининг ўзгариши ёки уларга тузатишлар киритилиши жараёни*), “диний де-ижтимоийлашув” (*бир қатор сабабларга кўра, шахснинг диний билим, қадриятлар ва меъёрларни йўқотиши ёки ўзгариши, диний ахлоқдан маҳрум бўлиши, диний ўзликни англашнинг тобора қийинлашиши жараёни*), “диний идентиклик” (*бирор диний эътиқодга мансублик ҳолати*) каби категориялар билан бирга тадқиқ этилишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Инсоннинг жамиятга диний мослашуви ва асосий диний меъёр ҳамда қоидаларни қабул қилишининг икки шакли мавжуд: 1. Йўналтирилмаган диний ижтимоийлашув – бу шахснинг маълум бир муҳитда бўлиши натижасида динга оид таълим-тарбия, билим ва бошқа диний хусусиятларни тўғридан-тўғри эгаллаши. Албатта, бунда муҳитнинг диндорлик даражаси ва диний маданият асосларини ўзлаштириши қандай савияда экани жуда аҳамиятлидир.

2. Йўналтирилган диний ижтимоийлашув – бу режалаштирилган жараён ҳисобланиб, унда жамиятдаги анъанавий диний аҳком ва қадриятлар, диний амалиёт ва тажрибаларни ўзлаштириши учун мўлжалланган махсус шаклланган дастур ёки воситалар ҳамда чора-тадбирлар тизими мавжуд бўлади. Бу ерда профессионал диний таълим ва диний мавзулардаги тарғиботлар муҳим ўрин тутати.

Диний ижтимоийлашув хусусиятига кўра, иккита жиҳатга эга ёки икки томонлама жараён

ҳисобланади. Бир томондан, ушбу жараён диний билим, тарбия ва ахлоқнинг авлоддан-авлодга ўтишини ифодаласа, иккинчи томондан эса, шахснинг диний аҳком ва қадриятлар, диний амалиёт ва тажрибаларни ўзлаштиришини билдиради.

Мутахассислар узоқ давом этадиган ушбу жараённинг нечта давр ёки босқичда амалга ошиши бўйича яқдил фикр билдирмаганлар [11:372]. Бироқ, жамиятга диний мослашув турларини иккига бўлиб ажратадилар: дастлабки (бошланғич) ва иккиламчи (такрорий). Диний ижтимоийлашувнинг барча турлари маълум омилларсиз амалга ошмайди. Ушбу омиллар туфайли инсон диний тартиб-қоидаларни ва меъёрларни қабул қилади.

Бугунги кунда диний мослашувнинг дастлабки (бошланғич) тури ислом динида янги туғилган чақалоқнинг қулоғига азон айтиш ва унинг учун ақиқа маросимларини ўтказиш, христианликда эса чўқинтириш (турли конфессияларда ёши ҳар хил) каби маросимларда намоён бўлмоқда.

Бу жараён чегараси эса, яъни, инсонда иккиламчи (такрорий) диний ижтимоийлашувнинг бошланиши эса ўзи мансуб бўлган динга тегишли ақидалар, таълимот ва қадриятларга чуқур қизиқишнинг ортиши ҳамда диний турмуш-тарзига оид амалиётни амалга ошириши билан белгиланади.

Америкалик социолог Д.Шеркат диний ижтимоийлашувни “инсонларнинг диний-ақидавий қарашлар ва тасаввурларига ижтимоийлашув агентларининг таъсир кўрсатиши асносида кечадиган ўзаро алоқадорликдаги жараён” сифатида таърифлайди [18:151].

Тадқиқотлар диний ижтимоийлашув жараёни муайян ижтимоийлашув агентлари билан амалга ошишини кўрсатмоқда. Агентлар сифатида эса оила, диний ташкилотлар, диний таълим муассасалари, диний мазмундаги интернет тармоғи намоён бўлмоқда. Зеро, диний ижтимоийлашувнинг тартибли равишда ва керакли йўналишда кечиши мазкур агентларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Ижтимоийлашув агентлари деганда, бу жараён юз берадиган ижтимоий контекстлар ва гуруҳларни тушуниш мумкин. Барча маданиятларда оила асосий

ижтимоийлаштирувчи агент ҳисобланади. Кейинроқ эса, ижтимоийлашувнинг яна кўплаб агентлари пайдо бўлади. Оилавий тизимларнинг турлари бир-бирдан жиддий фарқ қилгани учун, ижтимоий мулоқот барча маданиятлар учун бир хил эмас. Ҳозирги жамиятларда илк ижтимоийлашув оиланинг кичик миқёсида юз беради [10:25].

Турли жамиятларда оила бошқа ижтимоий институтларга нисбатан турли ўрин эгаллайди. Анъанавий жамиятларнинг кўпчилигида оила туғилган индивиднинг бутун умри давомидаги ижтимоий мавқени тўлалигича белгилайди.

Мамлакатимиздаги дин социологияси фанининг етук олими Б.А. Фарфиевга кўра, замонавий жамиятда ҳам оила диний расм-русумларни бажариш макони бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, кўпчиликни оилавий ҳаёт ҳодисалари билан боғлиқ бўлган диний расм-русумлар қизиқтирмоқда ва улар ҳаётий эҳтиёжлар сифатида намоён бўлмоқда. Масалан, мусулмон оилаларда никоҳ ўқитилиши, ақиқа тўйи, хайр-эхсон қилиш тадбирлари, ифторлик ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Албатта, булар оилавий-диний тадбирлар бўлса-да, лекин улар ижтимоий мазмун ва аҳамиятга ҳам эгадир.

Дин ва оила муносабатларида социал институт сифатида оиланинг қайси муҳим функцияларни бажараётганига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Улардан қуйидагилар асосий ҳисобланади:

1. Репродуктив – авлодни кўпайтириш.
2. Тарбиявий – ёш авлоднинг ижтимоийлашуви, жамият маданий тақдор ишлаб чиқишини таъминлаш.
3. Хўжалик – оила аъзолари жисмоний ҳолати, болалар ва қарияларга ғамхўрлик қилиш.
4. Иқтисодий – оиланинг бир аъзоси томонидан бошқаларни моддий неъматлар билан таъминлаш.
5. Илк социал назорат – оила аъзолари ахлоқий хулқ-атворини назорат қилиш, эр-хотин, ота-она ва болалар, кекса, ўрта ва кичик авлод ўртасидаги бурч ҳамда мажбуриятларни назорат қилиш [12:87].

Юқоридаги функцияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, диний ижтимоийлашув жараёни

оила институтидаги мавжуд диний қадриятлар ва меъёрлар асосида кечиши кузатилади.

Аксарият тадқиқотчилар томонидан оилада фарзандларнинг динийлашишига уларнинг ота-оналарининг диний эътиқодий қарашлари сезиларли даражада таъсир кўрсатади, деган фаразни илгари сурадилар [16;17;18].

Мазкур фараз Ғарб дунёсида ўтказилган изланишлар натижасига асослансада, оилада ота-оналарнинг ўрни ва роли муҳимлиги билан Шарқ олами ҳам характерланишини таъкидлаш жоиз. Шундай бўлсада, ота-оналарнинг диндорлик даражаси кўрсаткичлари фарзандлариникига мувофиқ келиши ёки айнан, бир-бирига яқин бўлиши баҳсли масала бўлиб қолмоқда.

Айрим тадқиқот ишларида эса аксинча ҳолат кузатилгани қайд этилади. Масалан, олимлардан Ж.Гласс, В.Бенгтсон и Ш.Данхэм томонларидан олиб борилган эмпирик изланишлар уч авлод орасида (кекса – бобо ва буви, ўрта – уларнинг фарзандлари, ёш авлодлар – неваралар) олиб борилган. Таҳлил натижалари ўрта ва ёш авлоднинг диний қарашлар, меъёрлар ва қоидаларига кекса авлод томонидан таъсир кўрсатишлари сезилмаганини, аксинча, кекса авлод фикрларига ўрта ва ёш авлодларнинг фаол таъсир ўтказиш ҳолатларини кўрсатган [17:685-698].

Бироқ, замонавий жамиятларда оила институтида кекса авлод томонидан олиб бориладиган социал назорат натижасида диний қарашлар ва қадриятлар тизимида алоҳида ўрин тутишини эсдан чиқармаслик зарур. Чунки, айнан улар ўрта ва кичик авлодга диний бурч ва мажбуриятларни етказишда ниҳоятда аҳамиятли саналади.

Масалан, собиқ шўролар даврида кекса авлод кейинги авлодларга нисбатан анча диндор бўлишгани сабабли, улар ёш авлодга диний билим, тарбия ва ахлоқнинг ўтишини таъминлаганини таъкидлаш зарур. Ушбу масалаларга рус олими В.Безрогов ўз тадқиқотларида алоҳида тўхталган [2:130-162].

Ҳозирги кунда диний ижтимоийлашув жараёнини ўрганишда диний-маърифий соҳанинг мавжуд қонун ва тартиблар асосида ривожланиш тарихи ва тенденцияларини, шу билан бирга, диний-ижтимоий жараёнларда конфессионал манзаранинг ўзгариш

хусусиятларини таҳлил этиш долзарб масаладир.

Шу ўринда, мазкур соҳа ичидаги профессионал диний таълим тизими ва диний конфессияларга мансуб ташкилотлар (диний уюшмалар ёки жамоалар) фаолияти диний ижтимоийлашув жараёнида етакчи ва ҳал қилувчи омиллар эканини таъкидлаш зарур.

Юртимизда глобаллашув шароитида диний соҳа ривож ва диний таълим масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлари билан танилган диншунос олим, фалсафа фанлари номзоди К.С. Комилов ўзи олиб борган изланиш ва таҳлилларга таянган ҳолда, диний таълимни шундай таърифлайди: “диний таълим – диний билим, қадрият, ҳаёт ва дунёни тушуниш тарзини махсус профессионал тайёргарликка эга шахслар томонидан ўқувчиларга тизимли равишда етказишга қаратилган фаолиятни ифода этади” [5:44].

Диний таълим-тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шартларидан биридир. Диний таълим тизими фаолияти инсонларни диний онги ва маданиятини тўғри шакллантириш ҳамда дин ниқоби остидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Шунга кўра, диний ижтимоийлашув агентларидан бўлган диний уламолар ёки арбоблар, диний таълим муассасалар ўқитувчилари, диний тарғибот-ташвиқот олиб бораётган диний ташкилотлар ходимлари фаолияти ушбу жараённинг тартибли равишда ва керакли йўналишда кечишига бевосита боғлиқдир.

Таълим ва тарбия давлат ҳамда диний уюшмалар манфаатлари кесишадиган соҳалар ҳисобланади. Давлатнинг бўлажак фуқаролари, диний ташкилотларнинг аъзолари айнан ушбу соҳаларда шаклланади. Таълим олувчиларга бериладиган билим, дунёқараш элементлари охир-оқибатда давлат ва дин муносабатлари ва умуман, жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатади [5:41].

Демак, диний-маърифий соҳани тўғри йўлга қўйиш орқали “диний де-ижтимоийлашув”нинг олди олинади, яъни, бир қатор сабабларга кўра фуқаронинг диний билим, қадриятлар, меъёрларни йўқотиши ёки ўзгариши, диний ахлоқдан маҳрум бўлиши, диний ўзликни англашининг тобора қийинлашиш жараёнининг амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Диний ижтимоийлашув жараёнини ўрганишда у билан боғлиқ айрим тушунчалар мазмунига бағишланган қарашларни таснифлаш ва уларнинг таърифларини ойдинлаштириш каби муаммолар борлигини инобатга олиш зарур. Ҳозиргача диншуносликнинг асосий ва муҳим объекти бўлган “дин”, “диний амалиёт” каби тушунчаларга умумэътироф қилинган таъриф берилмагани бунга мисол бўла олади.

Ёки мазкур жараён тадқиқотида изланишнинг назарий-методологик масалаларини ҳал қилиш ёки илмий методологиясини аниқлаб олиш ҳам муҳим саналади. Чунки, диншунослик ва унинг турли соҳалари (дин тарихи, дин фалсафаси, дин социологияси ва дин психологияси, дин антропологияси, дин феноменологияси каби) бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг туташган ерида вужудга келган илмий йўналиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, диншунослик фани доирасидаги тадқиқотларда, жумладан, диний ижтимоийлашув жараёнини ўрганишда тарих, антропология, психология ва социология каби фанларнинг методларидан унумли фойдаланиб келинмоқда. Бунинг исботи сифатида, рус олими В.Безроговнинг XIX аср охири XX аср бошида ёш болаларнинг диний ижтимоийлашув жараёнини тарихий, антропологик ва психологик методлардан фойдаланган ҳолда олиб борган муваффақиятли тадқиқотларини кўриш мумкин [1;2;3].

Шундай экан, замонавий Ўзбекистон шароитида ҳам диний ижтимоийлашув жараёнини шартли равишда турли даврларга бўлиб ўрганиш мумкин. Натижалар таҳлилида эса, диншунослик фани стандартларини сақлаган ҳолда, қай бири устунлиги жиҳатидан тарих, социология ёки психология фанлари методларидан фойдаланиш имкони пайдо бўлади.

Дин ҳодисасини тадқиқ этувчи турли фанлар диннинг маълум бир жиҳатларини таҳлил қиладилар. Фақат социология динни яхлит социал феномен сифатида ўрганиб, уни ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан алоқа ва муносабатларда эканлигини тизимли тарзда тадқиқ этади. Шу маънода дин социологияси диншунослик фанлари орасида марказий ўринни эгаллайди [12:45].

## ХУЛОСА

Дин социологияси фани доирасида диний ижтимоийлашув жараёнини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда ўрганиш имкониятлари мавжуд. Бу борада, динни ўрганувчи айрим фанлар учун умумий тамойил – эмпирик маълумотларга таяниш орқали, шунингдек, генетик, қиёсий, казуал (сабабий), фалсафий-мантикий каби методлардан ҳам фойдаланилса, самарали ва натижали тадқиқотлар олиб борилиши мумкин.

Диний ижтимоийлашув – бутун инсоният учун характерли бўлган ижтимоийлашув жараёнлари орасида универсал жиҳатга эга феномен. Унинг кўпқирралиги сиёсий, маданий ва тарихий омиллар ҳамда хусусиятларга боғлиқ бўлади. Нақадар мураккаб жараён бўлмасин, диний ижтимоийлашувни илмий ўрганиш ва унинг ижтимоий-тарихий таҳлили муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, бугунги кунда диний-ижтимоий маконда юзага келаётган муаммолар диний ижтимоийлашувнинг зиддиятли ва тартибсиз кечишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ёт ғояларга эргашиб кетиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса, ҳозирги шароитда диний ижтимоийлашувнинг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама комплекс тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Безрогов В. Власть дискурса и религия в воспоминаниях о детстве. Персональная история религиозной социализации в рассказах о себе // Религиозные практики в современной России: сб. ст. / под ред. К. Русселе, А. Агаджаняна. – Москва, 2006. – Вып. 3. – С. 88-105.
2. Безрогов В. Между Сталиным и Христом: религиозная социализация детей в советской и постсоветской России (на материалах воспоминаний о детстве) // Антропологический форум, 2006. № 4. – С. 130-162.
3. Безрогов В. Религиозная социализация и осуществление права на веру в межпоколенных отношениях: XX век и перспектива // Развитие личности. – Москва, 2002. – № 4. – С. 115-137.
4. Каримова В. Ижтимоий психология. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. – 172 б.
5. Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. – 128 б.
6. Қаюмов Ў.К. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари // Масъул муҳаррир: А.Ж.Холбеков – Т.: “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, 2011. – 94 б.
7. Латипова Н.М., Ганиева М.Х. Религия в жизни современной молодежи Узбекистана // Вестник науки и образования № 20 (74). Часть 1. 2019. – С. 92-98
8. Пруцкова Е.В. Религиозная социализация: проблемы концептуализации и соотнесения микро и макро уровней анализа // Социология религии в обществе Позднего Модерна: материалы Четвертой Международной научной конференции. НИУ “БелГУ”, 12 сентября 2014 г. / отв. ред. С.Д. Лебедев. – Белгород: ИД «Белгород», 2014. – С.80-88.
9. Скларова Т.В. Религиозная социализация: проблемы и направления исследований // Вестн. ПСТГУ–IV: Педагогика. Психология, 2009. – Вып. 4 (15). – С. 7-17.
10. Социология. Маърузалар матни. Самарқанд давлат чет тиллар институти. – Самарқанд, 2014. – 128 б.
11. Удовиченко М.В. Процесс религиозной социализации: типы и этапы // Ученые записки Орловского государственного университета. №3 (66), 2015. – С. 371-375.
12. Фарфиев Б. Дин социологияси [Матн]: ўқув қўлланма / Фарфиев Б. – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2018. – 216 б.
13. Фарфиев Б. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2019. – 228 б.
14. Фолиева Т.А. Религиозная социализация: понятия и проблемы // Серия “Политология. Религиоведение”, 2012. № 2 (9), ч. 1. – С. 205-212.
15. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика: дарслик. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
16. Bengtson V.L., Copen C.E., Putney N.M., Silverstein M.A. Longitudinal Study of the Intergenerational Transmission of Religion // International Sociology, 2009. Vol. 24. №3. – P. 325-345.
17. Glass J., Bengtson V.L., Dunham C.C. Attitude Similarity in Three-Generation Families: Socialization, Status Inheritance or Reciprocal Influence? // American Sociological Review. 1986. Vol. 51. №5. – P. 685-698.
18. Sherkat D. Religious socialization. Sources of Influence and Influences of Agency // Handbook of the Sociology of Religion / M. Dillon, ed. – Cambridge, 2003. – P. 151-164.